

Абдулла Ўрозбоев (УрДУ)

## ОГАҲИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА ШАКЛДОШЛИК ТАСНИФИ

**Аннотация.** Мақолада Огаҳий тарихий асарларидаги омонимлар эски ўзбек тили ва ёзуви хусусиятларини эътиборга олган таҳлил қилинади. Шунингдек, эски ўзбек ёзувидаги қўлёзма асарлар хусусиятидан келиб чиқиб, муваққат омонимлар атамаси таклиф этилади ҳам уларнинг ўзига хосликлари кўрсатиб берилади. Ишда тарихий асарлардаги омонимлар таҳлилининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** омонимия, луғавий шаклдошлик, грамматик шаклдошлик, муваққат омонимлар, эски ўзбек тили, эски ўзбек ёзуви, тарихий асар, луғавий қатламлар.

Тилшуносликда омонимия масаласи бир қадар кенг таҳлил қилинган. Ана шу таҳлиллар асосида ўзбек тилидаги луғавий шаклдошлик ва унинг турлари масаласига М.Рустамий ижодий ёндашиб, эътиборли фикрларни баён қилган<sup>1</sup>.

Эски ўзбек тилидаги шаклдошликни Огаҳий тарихий асарлари материаллари асосида бир неча турларини қайд қилиш мумкин.

1. Луғавий шаклдошлик.
2. Грамматик шаклдошлик.

Ушбу тасниф ўз навбатида бир неча ички гуруҳларга бўлинади. Аввало Огаҳий тарихий асарларидаги луғавий омонимларни эски ўзбек ёзуви хусусиятлари ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёсан қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Мутлоқ омонимлар. Бундай омонимларнинг талаффуз ва имловий жиҳатдан бир-биридан фарқладиган томонлари бўлмайди.

<sup>1</sup> Рустамий М. Луғавий шаклдошлик ва унинг турларига оид // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. 1-2-сон. 28-34-бетлар.

2. Фонема вариантлари билан фарқланувчи омонимлар. Бундай омонимларнинг имловий фарқи бўлмаса ҳам, фонема (асосан унли)лар билан тафовутланади. Бунга форсий *бор* сўзида онинг лабланиши, туркий *бор* сўзида унлининг лабланмаган варианты мавжудлигини мисол келтириш мумкин. *Ёр* (туркий *ёр*- феъли) ва форсий *ёр* сўзи каби омонимларни ҳам шу типга киритиш мумкин. Булар грамматик шаклларда шаклдошлик доимий эмаслиги – турли сўз туркумларига мансублиги билан ҳам фарқланади.

3. Талаффузи фарқланмайдиган, аммо имловий фарқи мавжуд омонимлар. Бу ҳолат асосан икки сабабли рўй беради. Биринчиси эски ўзбек ёзувида араб тилида алоҳида фонемаларни ифодаловчи “се”, “син”, “сод” каби ҳарф эски ўзбек ёзувида бир фонемани англатиши бўлиб, бу тип омонимларнинг катта кўпчилиги шу тарзда юзага келган. Бунга “а” унлиси “алиф” билан ифодаланувчи *алам (озриқ)* – “айн” билан ёзилувчи *алам (байроқ)*, “айн” ва “алиф” биркамаси билан ёзилувчи *обид (ибодат одами)* – “мадли алиф” билан ёзилувчи *обид (ёввойи)* кабиларни мисол келтириш мумкин.

Иккинчи сабаб форс тилида айрим сўзларнинг ёзилишида тарихийлик анъанасига амал қилинганидир. Ижтимоий-сиёсий термин *хон* ва дастурхон маъносидаги *хон* (бунда ўқилмайдиган “вов” ҳарфи бор) сўзларини шу типга киритиш мумкин.

4. Навбатдаги типни, табиийки, турли сўз туркумларига мансуб шаклдошлар ташкил қилади. Булар *ошиқ (от)*, *ошиқ (сифат)*, *ошиқ (феъл)* кабилар. Худди мисолнинг ўзи биринчисида “о” унлининг “айн” ва “алиф” биримаси, иккинчи ва учинчисида “мадли алиф” билан ифодаланишига кўра қайд этилган учинчи типга ҳам мансуб.

5. Талаффузи жиҳатидан бир, айрим ҳолларда вазн талаби ҳамда саводхонлик сабабли арабча, форсча, туркий сўзларни англаш натижасида фарқланадиган, лекин имловий жиҳати бошқача бўлган сўзлар. Бунга иморат маъносидаги *бино* (эски ўзбек ёзувида уч ҳарф воситасида ёзилади) ҳамда

“курувчи”, “басир” маъноларидаги *бино* (эски ўзбек ёзувида тўрт ҳарф воситасида ёзилади) сўзларини мисол келтириш мумкин.

6. Кейинги тип эски ўзбек ёзувида битилган қўлёмалар хусусиятига боғлиқ ҳолда юзага келади. Қўлёмаларда нуқталар сони билан фарқланувчи (бир нуқтали “бе” уч нуқтали “бе” билан), шаклдош “коф” “гоф” билан кўп ҳолларда бир хил ёзилади. Натижада *карам* ва *гарм* (иссиқ), *панд* ва *банд* сўзлари омонимлик касб этади. Биз бу тип омонимларни муваққат омонимлар деб аташни таклиф қиламиз. Чунки бир қўлёмлада шаклдошлик касб этган сўзлар ўша асарнинг бошқа бир нусхасида котиб ихтиёрига боғлиқ равишда омонимлик касб этмаслиги мумкин.

7. Яна бир типни ёзилиши ҳар хил талаффузда шаклдош бўлуви сўзлар ташкил қилади. Бунга арабча *бало* (ҳа, шаксиз маъносида) ҳамда *бало* (офат) сўзларини мисол келтириш мумкин.

Бундан ташқари Огаҳий тарихий асарларидаги омоним сўзларни генетик мансублигига кўра ҳам бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Туркий сўзлараро омонимия. *Бор* (мавжуд) – *бор* (феъл).
2. Туркий ва эроний сўзлар ўртасидаги омонимия. *Бор* (мавжуд) – *бор* (юк).
3. Туркий ва арабча сўзлар ўртасидаги шаклдошлик. *Ошиқ* (от) – *ошиқ* (шу шаклдаги сифат ва феъл).
4. Арабча ва эроний сўзлар ўртасидаги шаклдошлик. *Вали* (от) – *вале* (боғловчи).
5. Эроний сўзлараро шаклдошлик. *Боз* (яна) – *боз* (бургут).
6. Арабча сўзлараро шаклдошлик. *Алоқа* (муносабат) – *алоқа* (салла).

Арабча сўзлараро омонимларнинг ўзига хослиги шундаки, улар, асосан, кўп маъноли сўзлар ўртасидаги мантикий занжирнинг узилишидан ҳосил бўлади. Масалан, ижтимоий-сиёсий лексика доирасидаги омонимияга мисол қилиб диний-сиёсий мазмундаги *шайх* ва тасаввуфдаги тариқат пири *шайх*ни келтиришимиз мумкин. Ислом динида *шайх* рутбалардан биридир. Кейинчалик сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойлар

мутасаддилари ҳам *шайх* деб юритилган<sup>2</sup>. Кўринадики, луғавий омонимлар пайдо бўлишининг омилларидан бири полисемантик сўзлар маънолари орасидаги “занжир”нинг узилишидир. Бу ҳолатни *халифа* сўзи мисолида ҳам кўриш мумкин. *Халифа* дастлаб пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ислом давлатини бошқарган шахслар<sup>3</sup>. Кейинчалик бу сўз ўз луғавий маъноси (ёрдамчи, изидан борувчи)га мувофиқ тариқат пирлари, диний мактаб муаллимларининг яқин, ишонган кишиси, етук шогирдлари мазмунини касб этган. Унинг ижтимоий-сиёсий лексикага мансуб сўз сифатида мансаб номига айланишига ҳам ушбу луғавий маъно асос бўлган. Абдурахмон эшонким, ҳазрати шайх ул-исломи шаҳиднинг *халифа* ва нойиби маноби эрди. (РД, 290<sup>а</sup>).

Бунга “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати”дан анчагина мисол келтириш мумкин<sup>4</sup>. *Бурж* сўзига диққат қаратайлик. “Риёз уд-давла”да ўқиймиз: ... хуршиди жаҳонтоб сунбула *буржидин* жилвагар эрди... (РД, 359<sup>а</sup>). Ёки ... аъломи саодатнишоннинг моҳчаи дурахшонин Дояхотун работин *буржидин* намоён қилди. (РД, 268<sup>а</sup>). Келтирилган ушбу икки мисолнинг биринчисида *бурж* сўзи астрономия, иккинчи мисолда эса меъморчиликка оиддир. Диққат қилсак, иккинчи мисолда *моҳча* (туғ бошидаги ҳилол) сўзини ишлатиш билан сўз ўйини ҳам юзага келтирилган.

Бу тип сўзларнинг асосий хусусияти шуки, улар, асосан, полисемия асосида вужудга келади.

Куйида Огаҳий тарихий асарларида қўлланилган айрим шаклдош сўзлар хусусида тўхталамиз. Жумладан, туркий ва эроний катламга мансуб сўзларнинг ўзаро омонимлик ҳосил қилишига *оз* сўзини мисол келтириш мумкин. Эски ўзбек тилида *оз* шаклида куйидаги сўзлар мавжуд:

1. *Кам* маъносидаги *оз* сўзи. Ушбу сўзнинг турли туркий тиллардаги шакллари ҳамда этимологияси хусусида Э.Севортян<sup>5</sup> атрофлича фикрларини

<sup>2</sup> Ислом. Справочник. – Тошкент, 1989. – Б.278.

<sup>3</sup> Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1991. – С.268.

<sup>4</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 21–22.

<sup>5</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том 1. – М.: Наука. 1974. 93–94-стр.

баён қилган. Масалан, “*Оз* вақтда вабо иллоти арода пайдо бўлуб, дорулбако азиматин тутдилар. (Фирдавс ул-икбол, 47-бет);

Хайлинг кўпу *озидин* бўлма ғуруру маънос,

Ферузманд бўлмоқ тонгри иноятидур. (ФИ, 137)

2. Туркий *оз*- феъли. Хоразм шеваларида ушбу феълнинг аксар *чатишмоқ*, *тўрамоқ* маънолари ишлатилади. Ф.Абдуллаев томонидан қайд этилган *азман* (дурагай, чатишма) сўзининг ишлатилиши бугунги кунда ниҳоятда торайган. Огаҳийда кўпроқ унинг “адашмоқ” маъноси кўзга ташланади:

Кишиким *озди* давлат маслакидин,

Ҳидоят қилмоқ ул гумраҳға йўқ суд (ФИ, 281) ёки “иниси Жумоқбек ва ўғли Шохниёзбекка хабарлашиб, ул икковин дағдағай залолат афзо ва васвасаи вақоҳатинтило била сирот ул мустақим истиқоматдин *оздуруб*, алар мутасадди ва мутааҳҳид бўлдиларким,.. (ФИ, 335)

*Оз* (кам) ва *оз*- феълларининг шаклдошлигидан унумли фойдаланган Саййид Қосимий ҳам нафсу ҳаво одамларни йўлдан оздириши, лекин нафсу ҳавони тарк этган одамларнинг ўзи озлигини назарда тутиб ғоят гўзал байт битган:

Нафсу ҳаво одамийни *оздурур*,

Нафсу ҳаво таркин этган *оздурур*.

Эски ўзбек тилида *оз* шаклида форс тилидан ўзлашган яна бир сўз бўлиб, “очкўз”, “юхо” деган маънони англатади. Унинг келиб чиқиши зардуштийлик эътиқодига бориб тақалади. Бу сўз “Авесто”да *озий*, паҳлавий ва форсийда *оз*. *Оз* девининг номи ва “очкўз” маъносида. “Бундахишн” (28-боб. 27-банд)да бу дев ҳақида “*Оз* деви шундай махлуқки, ҳар бир нарсани ютар ва заруриятидан бирор нарса бўлмай қолса, ўзининг танидан ҳам ейди. У дунёдаги ҳар бир нарсага эга бўлишни истайдиган очкўз, ҳеч тўймайдиган дуруждир. Айтганларки, озманд (юхо)ларнинг кўзи чек-чегараси йўқ ғордир” – дейилади.

Ушбу мисол орқали Огаҳий тарихий асарларидаги омонимларни яна бир жиҳати – тарихий босқичлараро мувофиқлик нуқтаи назаридан тасниф қилиш мумкин. Ана шунда қайд этилганлар биринчи ва иккинчи *оз* ҳозирги ўзбек адабий тили ва эски ўзбек адабий тили учун мувофиқ, учинчи *оз* сўзи эса ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлмаган шаклдош ҳисобланади. Бундай тасниф доирасида ҳар иккала гуруҳга мансуб бир қанча шаклдошларни аниқлаш мумкин. Қайд этиш лозимки, бундай таснифлаш фақат амалий аҳамиятга эга бўлиб, назарий жиҳатдан сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра таснифи тилнинг муайян бир босқичи доирасида амалга оширилади.

Кўринадики, Огаҳий тарихий асарларидаги шаклдошлик таҳлили эски ўзбек тилининг луғат бойлигини пухта ўрганишга, тарихий ва тарихий-бадий асарлардан тўла баҳраманд бўлишга воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.